

**ХОРИЖ САФАРНОМАЛАРИДА ХИВА ХОНЛИГИГА
ОИД ЭТНОТОПОНИМЛАР
(XIX АСР МАНБАЛАРИ МИСОЛИДА)**

ЗОКИРОВ БЕХЗОДЖОН

Таянч докторант, ТДШУ

Аннотация. Мазкур мақолада XIX асрда Хива хонлигига ташириф буюрган рус ва хориж сайёҳлари ҳамда давлатларнинг расмий вакиллари сафар хотиралари асосида яратилган “сафарномалар”да учрайдиган Хива хонлигига оид этнотопонимлари тасниф ва таҳлил қилинган. Бизга маълумки, этнотопонимлар “этнос” билан алоқадор жой номлари бўлиб, улар маълум ҳудуднинг аҳолиси таркиби ҳамда улар билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, шунингдек, анъана ва қадриятларни ўзида намоён қилади.

Этнотопонимларни маълум манбалар асосида қиёсий таҳлил қилиш, тегишли ҳудуд аҳолисининг этник таркиби, демографик жараёнлари ва уларга таъсир қилган омилларни манбашунослик ҳамда тарихшунослик аспектида кўриб чиқиш, жой номларини ўрганиш соҳаси тарихий топонимиянинг долзарб масалалиридан бири ҳисобланади. Шу нуқтайи назардан, ушбу мақолада очиб бериш режалаштирилган Ўрта Осиё хонликларига ташириф буюрган рус ва хориж сайёҳларининг сафарномалари асосида хонликлардаги жой номларини тадқиқ этиш маҳаллий манбаларда қайд этилмаган айрим ноаниқ бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг асосий мақсади, кўрсатилган даврдаги сафарномаларнинг Хива хонлигининг этнотопонимларини ўрганишдаги манбавий аҳамиятини эътироф этиш, улардаги этнотопонимларнинг салмоғини аниқлаш орқали сафарномаларнинг юзага келиши умумий мақсади, уларнинг бир-биридан фарқли ва ўхшаш жиҳатларини очиб бериш ҳамда маълум мезонларга кўра таснифлаш тамойилини ишлаб чиқишдан иборат.

Мақолада тарихий тадқиқотларда қўлланиладиган тизимли таҳлил, даврлаштириш, муаммовий-хронологик, шунингдек, топонимик тадқиқотларда қўлланиладиган, жой номларини топонимик қатламлаштириш, генетик анализ каби тадқиқот усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижасида сафарномаларнинг умумий манба сифатидаги ўрни ва улардаги Хива хонлигига оид этнотопонимларнинг умумий салмоғи кўрсатиб берилди. Хива хонлиги этнотопонимларининг таснифи, уларнинг пайдо бўлишининг ўзига хос жиҳатлари, этнопонимларнинг хонлик ижтимоий-иқтисодий ҳам этник тарихини ўрганишдаги назарий-амалий жиҳатлари таҳлил қилинди.

Таянч сўз ва иборалар: сафарнома, этнос, этноним, этнотопоним, этнооиконим, этногидроним, этноороним, нисбий негативлик, нисбий позитивлик, ўзбек уруғлари.

Аннотация. В статье классифицируются и анализируются этнотопонимы Хивинского ханства, встречающиеся в «путевых заметках», созданных на основе путевых воспоминаний российских и зарубежных туристов и официальных лиц стран, посетивших Хивинское ханство в XIX веке. Мы знаем, что этнотопонимы - это топонимы, связанные с «этносом», которые отражают состав населения определенной территории и связанные с ними социально-экономические процессы, а также традиции и ценности.

Сравнительный анализ этнотопонимов на основе известных источников, учет этнического состава населения региона, демографических процессов и факторов, влияющих на них с точки зрения

источниковедения и историографии, изучение топонимов относятся к числу актуальных вопросов исторической топонимии. С этой точки зрения изучение топонимов в ханствах на основе путешествий российских и иностранных туристов, посещающих ханства Средней Азии, в данном исследовании служит для заполнения некоторых неизвестных страниц, которые не упоминаются в местных источниках.

Основная цель исследования - выявить источниковую значимость путешествий в изучении этнотопонимов Хивинского ханства, определить вес этнотопонимов в них, выявить общую цель путешествий, их различия и сходства, а также разработать принцип классификации по определенным критериям.

В статье использованы такие исследовательские методы, как системный анализ, периодичность, проблемно-хронологическая, а также топонимическая стратификация географических названий, генетический анализ, используемые в исторических исследованиях.

В результате исследования показана роль путевых заметок как общего источника и общий вес этнотопонимов, принадлежащих Хивинскому ханству. Проанализированы классификация этнотопонимов Хивинского ханства, особенности их происхождения, теоретические и практические аспекты изучения социально-экономической и этнической истории этнотопонимов ханства.

Опорные слова и выражения: путешествие, этническое единство, этноним, этнотопоним, этнооиконим, этногидроним, этнороним, относительный негатив, относительный позитив, узбекские семена.

Abstract. This article classifies and analyzes the ethnotoponyms of the Khiva Khanate, which are found in "travelogues" created on the basis of travel memoirs of Russian and foreign tourists and officials of the countries who visited the Khiva Khanate in the XIX century. We know that ethnotoponyms are place names associated with "ethnos", which reflect the composition of the population of a particular area and the socio-economic processes associated with them, as well as traditions and values.

A comparative analysis of ethnotoponyms on the basis of known sources, the study of the ethnic composition of the population of the region, demographic processes and the factors influencing them from the point of view of source and historiography, the study of place names is a historical field. From this point of view, the study of place names in the khanates on the basis of travelogues of Russian and foreign tourists visiting the Central Asian khanates in this study serves to fill in some of the unknown pages that are not mentioned in local sources.

The main purpose of the study is to recognize the source significance of travelogues in the study of ethnotoponyms of the Khiva khanate, to determine the weight of ethnotoponyms in them, to reveal the general purpose of travelogues, their differences and similarities and to develop the principle of classification according to certain criteria.

The article used research methods such as systematic analysis, periodicity, problem-chronological, as well as toponymic stratification of place names, genetic analysis, used in historical research.

As a result of the research, the role of travelogues as a common source and the total weight of ethnotoponyms belonging to the Khiva khanate were shown. The classification of ethnotoponyms of Khiva khanate, peculiarities of their origin, theoretical and practical aspects of studying the socio-economic and ethnic history of ethnotoponyms of khanate were analyzed.

Keywords and expressions: travelogue, ethnic unity, ethnonym, ethnotoponym, ethnoooyconim, ethnohydronym, ethnoronym, relative negativity, relative positivity, Uzbek seeds.

Хива хонлиги этнотопонимларини тадқиқ этиш учун, энг аввало, уларни тасниф қилиб олиш мақсадга мувофиқдир. Унга кўра XIX асрга оид сафарномаларда учрайдиган хонлик этнотопонимларини тузилишига кўра 2 та катта гуруҳга бўлиб олиш мумкин. Биринчиси, *макротопонимлар* – йирик шаҳарларнинг номи сифатида қўлланиладиган этнотопонимлар бўлиб, уларга мисол сифатида: *Нукус, Манғит, Қўнғирот* каби шаҳарларнинг номини келтириб ўтишимиз мумкин. Иккинчиси, эса *микротопонимлар* – нисбатан кичикроқ аҳоли яшаш

масканлари, хусусан, шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла номлари, канал, ариқ, тепалик, адирлик, каби жой номларини ўзида бирлаштиради. Шунингдек, микротопонимларни ҳам ўз ички хусусиятларига қараб 3 та турга, – *этноойконимлар* (нисбатан кичикроқ бўлган шаҳарча, қалъа, қишлоқлар, овуллар номи), *этногидронимлар* (каналлар, ариқлар номи), *этнооронимларга* (кичикроқ тоғ, адир, тепалик, дара ва шунга ўхшаш табиий жой номларининг турли турли халқ, қабила, уруғ номлари билан боғлиқ бўлиши) бўлиб ўрганиш биз қўйган муаммо бўйича ўзига хос ечимни ўзида намоён қилади деб, таъкидласак муболаға бўлмайди.

Тадқиқот объекти ва методлари. Ушбу мақолада XIX асрда Ўрта Осиёга, хусусан, Хива хонлигига ташриф буюрган рус ва хориж сайёҳларининг сафар хотиралари, кундаликлари ва улар юзасидан нашр қилинган асарлар умумий ном билан “сафарномалар” деб, тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди ҳамда улардаги этнотопонимларга оид маълумотлар таҳлил қилинди. Шунингдек, ушбу мақолада тарихий тадқиқотларда қўлланиладиган тарихий-хронологик ва қиёсий таҳлил ҳамда тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилди.

Муҳокама ва натижалар. Хива хонлигидаги этнотопонимларни маълум тасниф асосида ўрганишда, энг аввало, макротопонимлар, яъни йирик шаҳарларнинг номларида учрайдиган этнотопонимларни алоҳида кўриб чиқиб, уларнинг Ўрта Осиёнинг бошқа хонликларидан кўра фарқли жиҳатлари мавжудлигига эътибор қаратдик. Унга кўра, Хива хонлигида йирик шаҳарлар номи этнонимлар, яъни, йирик ўзбек уруғларининг номи асосида шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, XIX асрнинг 20 йилларида Хивага ташриф буюрган Н.Н. Муравьевнинг сафарномасида хонликнинг йирик шаҳарлари сифатида *Хива*, *Ургенджъ* (*Урганч*), *Шеватъ* (*Шовот ёки Шаҳобод*), *Киетъ* (*Қиёт*), *Гюрленъ* (*Гурлан*) кабиларнинг номлари қайд этилган бўлиб¹, улардан фақатгина биттаси *Киетъ* (*Қиёт*) шаҳри номини этнотопоним эканлигини диққатга сазовор. Бундай шаҳарлар сирасига 1841 йилда Хивага ташриф буюрган капитан Никофоровнинг кундаликларида қайд этилган *Қипчакъ* (*Қипчоқ*), *Мангитъ* (*Мангит*), *Ильалъ* (*Алиели*) каби шаҳарларни ҳам киритишимиз мумкин².

1842 йилда Хивага ташриф буюрган рус сайёҳи Г.И. Данилевскийнинг сафар хотиралари асосида яратилган “Описание Хивинского ханства” (“Хива хонлиги тавсифи”) асари ҳам хонлик ҳудудидаги этнотопонимларнинг ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Хусусан, асарда муаллиф хонлик бошқарувидаги 25 та йирик шаҳар ҳақида батафсил маълумот беради³. Биз айни пайтда, Данилевскийнинг сафарномасида қайд этилган *Чигатой*, *Қипчоқ*, *Хитой*, *Қўнғирот*, *Мангит*, *Алиели*, *Хўжсайли* каби шаҳарларнинг номини этнотопоним сифатида тадқиқот доирасига киритдик. Айни пайтда биз юқорида кўриб ўтган, Н.Н. Муравьевнинг сафарномасидаги атиги 5 шаҳар номи келтириб ўтилган бўлса, орадан тахминан 20 йил вақт ўтиб, шаҳарларнинг сони 25 тага ўсиши ва уларнинг ичида 7 шаҳарнинг номи этнотопонимлар билан боғлиқ бўлиши айрим изоҳларни талаб қилади. Унга кўра, шаҳарлар сонининг кескин ўсиши хонликдаги демографик жараёнлар, Хива хонларининг давлатни кенгайтириш сиёсати ёки ўзбек қабилалари сиёсий нуфузининг ошиб бориши каби омиллар билан қандай боғлаш мумкин?

Энг аввало, юқоридаги муаммо бўйича Н.Н. Муравьевнинг Хивага келишидан олдин хонликка ташриф буюрган айрим рус сайёҳларининг сафарномаларига назар ташлаб ўтсак.

¹ Muravev N. Puteshestvie v' Turkmeniia i Xivu v' 1819 i 1820 godax'. (Travel to Turkmenistan and in Khiva 1819-1820) Ch.2. –Moskva, 1822. –144 p.

² Zalesov I. Posolstvo v Xivu kapitana Nikiforova v 1841 godu. (Embassy in Khiva of Capitan Nikiforov in 1841). [Voennyi sbornik, № 11.] –SPb, 1861. –41-92 p.

³ Danilevskiy I. Opisanie Xivinskago xanstva. (Description of the Khiva Khanate) -Sankt-Peterburg, 1851. -114 p.

XVIII асрнинг 40 йилларида Хива хонлигига ташриф буюрган рус сайёҳлари Дмитрий Гладишев ва Иван Муравинларнинг эсдаликларига асосланиб, В.Н. Веселовский Хива хонлиги тасарруфида 11 та шаҳар борлигини қайд этиб ўтади¹. Унга кўра Оренбург томонда *Гурлянъ* (Гурлан), *Везиръ* (*Вазир*), *Кеитъ* (*Қиёт*), *Шабасъ* (*Шовот*), *Казаватъ* (Ғазавот) шаҳарлари, Хива томонда эса *Ханки* (Хонқа), *Ургенчъ*, *Адарусъ* (Ҳазорасп), *Бетнякъ* (Питнак), *Аксарай* (*Оқсарой*) шаҳарлари жойлашган. Ушбу 11 шаҳарнинг номи Дмитрий Гладишев ва Иван Муравинларнинг саёҳатидан кейинроқ Хивага келган савдогар ҳамда сайёҳ Д. Рукавкиннинг сафар кундалигида² ва П.И. Ричковнинг “Оренбург топографияси” асарида ҳам худди шу шаклда санаб ўтилади³. XVIII асрнинг охирида Хива хони Аваз Муҳаммаднинг шахсий илтимосига биноан, унинг амакисининг кўзини даволаш учун Оренбургдан Хивага ташриф буюрган майор Бланкеннегелнинг сафар хотираларида эса хонлик шаҳарлари сонининг нисбатан ошганлиги диққатимизни тортди. Хусусан, унда қайд этилишича, Хива хонлигида *Конратъ* (*Кўнғирот*), *Мангутъ* (*Мангит*), *Хаджель* (*Хўжайли*), *Капчакъ* (*Қипчоқ*), *Гурлемъ* (*Гурлан*), *Амбаръ* (*Амбар*), *Чагадай* (*Чигатой*), *Шабатъ* (*Шовот* ёки *Шоҳобод*), *Кетъ* (*Қиёт*), *Ургенцъ* (*Урганч*), *Хива*, *Ганга* (*Хонқа*), *Газарисъ* (*Ҳазарасп*), *Пильнекъ* (*Питнак*) каби шаҳарлар мавжуд⁴. Демак, XVIII асрнинг охирига келиб, хонликда 15 га яқин шаҳарлар мавжуд бўлиб, уларнинг 5 таси йирик ўзбек уруғларининг номи билан аталишини, яъни этнотопоним эканлигини кўришимиз мумкин. Бизга маълумки, бутун XVIII аср давомида ўзбек уруғларининг хонлик сиёсий ҳаётида нуфузи ошиб, ўзларининг иноклари бошчилигида ҳокимият учун жиддий курашга киришишади. Ниҳоят бу курашлар натижасида, XVIII асрнинг 60 йилларидан бошлаб кўнғиротлар сулоласининг шайбонийлардан ҳокимиятни тортиб олиш йўлидаги жиддий ҳаракатлари хонлик сиёсий ҳаётидаги ҳукмрон сулола алмашинуви жараёнига олиб келди. Ўз ўрнида бу курашларда бошқа йирик ўзбек уруғларининг ўзига хос ўрни бўлганлиги ҳамда уларнинг хонлик сиёсий ҳаётидаги нуфузи ошиб борганлигини юқоридаги каби *чигатой*, *қипчоқ*, *мангит*, *хўжайли* уруғлари номлари билан боғлиқ йирик шаҳарлар мавжудлиги орқали ҳам билиб олишимиз мумкин.

Юқоридаги мулоҳазалар шундан далолат берадики, сафарномаларни ўрганишда уларга бир томонлама ёндашув, қўйилган масалага тўлиқ холис ечим бера олмайди. Яъни, биз тадқиқ этаётган XIX сафарномаларида, хусусан, Н.Н. Муравьев эсдаликларида хонлик худудидаги фақатгина йирик шаҳарларнинг номи қайд этилган. Ундан биров кейин келган Г.И. Данилевскийнинг сафарномасидаги шаҳарлар сонининг қисқа муддатда кескин ўсганлигини гувоҳи бўлди. Умуман олганда Хива хонлигидаги шаҳарлар сонининг манбаларда турлича келиши масаласини қай даражада илмий эканлигини баҳолаш асносида сафарномаларни тадрижий пайдо бўлишига қараб ўрганиш орқали шуниси маълум бўлдики, ушбу шаҳарларнинг асосий қисми XVIII асрдаёқ мавжуд бўлган экан.

¹ Veselovskiy N.I. Oчерk istoriko-geograficheskix svedeniy o Xivinskom xanстве. (Essay on the historical and geographical information about the Khiva Khanate)/ SPb., 1877. – p.204.

² Russov S. Puteshestvie iz Orenburga v Xivu samarskogo kupsa Rukavkina v 1753 g. s priobsheniem raznix izvestiy o Xive s otdalennix vremen donine. (The journey from Orenburg to Khiva of the Samara merchant Rukavkin in 1753 with the introduction of various news about Khiva from the distant times to the present) -SPb.: Tipografiya MVD, 1840. –39 p.

³ Topografiya Orenburgskoy gubernii. Sochinenie P.I.Richkova 1762 goda. (Topography of the Orenburg province. Composition by P.I.Richkov in 1762) – Orenburg.: Tip. B.Breslina, 1887. – p. 14.

⁴ Blankennagel. Putevie zametki mayora Blankennagelya o Xive v 1793-1794 gg.// S primechaniyami V.V.Grigoriev. (Maior Blankenagel's travel notes about Khiva in 1793-1794 // With notes V.V. Grigoriev) [Vestnik Russ. Geog. O-va. Ch-22]-Moskva, 1858. – p. 10.



Хива хонлиги шаҳарлари ва уларнинг таркибидаги этнотопонимлар ҳақида нафақат рус сайёҳлари балки бошқа хорижлик сайёҳларнинг сафарномаларида кўплаб қимматли маълумотлар учрайди. Хусусан, XIX асрнинг 60 йилларида Ўрта Осиёга ташриф буюрган венгер шарқшуноси Х. Вамберининг сафарномасида хонлик ҳудудидаги 32 шаҳар номини қайд этиб ўтади¹. Шунингдек, уларнинг ичидаги *Kungrat* (Қўнғирот), *Mangit* (Манғит), *Khoja Ili* (Хўжайли), *Tchimboy* (Чимбой), *Kiptchak* (Қипчоқ), *Khitai* (Хитой), *Kiet* (Қиёт), *Djagatai* (Чигатой), *Yilali* (Алиели), *Noks* (Нукус), *Kiet-Kungrat* (Қиёт Қўнғирот), *Kangli* (Қангли) каби шаҳарлар этнотопоним эканлиги алоҳида диққатга сазовордир. Вамберининг сафарномасидаги этнотопонимлар сони биз юқорида кўриб ўтган, Г.И. Данилевский сафарномасида қайд этилган этнотопонимларга қараганда 5 тага кўпайиб, жами этнотопоним бўлган йирик шаҳарлар сони 12 тага етади. Шунингдек, XIX асрнинг 80 йилларида Ўрта Осиёга рус ҳукуматининг розилиги асосида ташриф буюрган² америкалик сайёҳ Генри Лансдейлнинг сафарномасига назар ташлайдиган бўлсак, унда Хива хонлигидаги шаҳарларнинг сони ва улардаги этнотопонимлар Х.Вамберининг сафарномасига қараганда нисбатан камроқ эканлигига гувоҳи бўлдик. Хусусан, муаллиф асарида хонликдаги *Djagatai* (Чигатой), *Iilali* (Алиели), *Khojaeli* (Хўжайли), *Kungrad* (Қўнғирот) этнотопонимларни қайд этиб ўтади. Бундан кўриниб турибдики, Генри Лансдейлнинг саёҳати даври Хива хонлигининг Чор Россияси империяси таркибига киритилганидан кейинги даврга тўғри келади. Ўз навбатида хонлик ҳудудининг империя манфаатларидан келиб чиқиб қайта маъмурий бирликликларга бўлиниши жараёнида айрим шаҳарлар ўз мавқеини йўқотиб, кичикроқ маъмурий бирликларга айланиб қолган. Ўз навбатида бу жараён шаҳарлар номларидаги этнотопонимлар сонининг сезиларли даражада камайишига олиб келган.

Биз юқорида кўриб ўтганимиз, йирик шаҳарларнинг этнотопоним эканлигини асословчи айрим далиллар, энг аввало, биз ўрганаётган манбаларнинг ўзида учрайди. Хусусан, 1841 йилда Бухорога ташриф буюрган рус сайёҳи В.Н. Хаников ўзининг сафар хотиралари асосида яратган “Описание Бухарского ханства” (“Бухоро хонлиги тавсифи”) асарида Ўрта Осиё хонликларида мавжуд ўзбек уруғларининг 97 тасини келтириб ўтади³. Хусусан, асарда Хива хонлиги шаҳарлари номига асос бўлувчи *манғит*, *қўнғирот*, *хитой*, *қангли*, *нукус*, *чимбой*, *қипчоқ* каби этнонимларни кўришимиз мумкин. Х.Вамбери эса хонлик этнотопонимларига асос бўлувчи этнонимлар қаторини янада тўлдирар экан, *kungrat* (қўнғирот), *kiptchak* (қипчоқ), *khitai* (хитой), *manghit* (манғит), *noks* (нукус), *kiet* (қиёт), *djagatai* (чигатой), *kanli* (қангли), *kenegos* (кенагас) каби уруғ номлари қаторида, Хива хонлигидаги жами 32 та ўзбек уруғини санаб ўтади⁴. Лекин, ҳар иккала сафарномада ҳам Хива хонлигидаги Хўжайли ва Алиэли шаҳарларини ҳам этнотопоним эканлигини асословчи маълумот деярли йўқ. Бу хусусида бошқа сафарномаларга, хусусан, XVIII асрнинг 40 йилларида хонликка ташриф буюрган Гладишев ва Муравининг кундаликларида назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг қайд этишича, қорақалпоқлар таркибида 4 та йирик уруғнинг бири сифатида *хўжайли* уруғи ҳисобланади⁵. Ушбу маълумот Я.Ф. Ғуломов томонидан ҳам тасдиқланиб, олим Абулғозихон


¹ Vambéry A. Travels in Central Asia. -London, 1864. -P. 343.

² Henry Lansdell. Russian Central Asia (including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv). Vol. 1. -London. 1885. -P. 687.

³ Xanikov N.V. Opisanie Buxarskago xanstva. (Description of the Bukhara Khanate) -SPb., 1843. - p. 67.

⁴ Vambéry A. Travels in Central Asia. -London, 1864. -P. 343.

⁵ Poezdka iz Orska v' Xivu i obratno sovershennaya v' 1740-1741 godax' Gladishevim' i Muravinim'. (A travel from Orsk to Khiva and back, made in 1740-1741 by Lieutenant Gladyshev and geodesist Muravyn)[pod. red. Xanikov Y.V. zapiska imp. russ. geo. o-tva. kn. V.]-SPb, 1850. - p. 539.



томонидан хонлик аҳолиси уруғларга ажратилганда *хўжаили* уруғини нукус-манғит тўпига киритилганлигини қўшимча қилади¹. Алиэли шахрининг номига асос бўлувчи *алиэли* этноними эса Х. Вамберининг фикрича, туркман уруғидир². Ўз навбатида, ушбу фикр Я.Ғуломов³, С.Атаниязов⁴, А.Атажанова⁵, А.Жуманиёзова⁶лар томонидан ҳам тасдиқланган. Туркманларнинг этнонимлари бўйича махсус тадқиқот олиб борган С.Атаниязов А.Баҳодирхонга таяниб, ушбу этнотопоним пайдо бўлишини XIV асрда Ўзбойда яшаган ўзбек ва туркман уруғларининг сардори Али Чора (Жўра) номи билан боғлайди⁷. Кўриб турганимиздек, Хива хонлигидаги ўзбек уруғлари билан туркман уруғлари ўзаро яқин алоқада бўлганлиги жой номларида ҳам акс этиб турибди. Лекин, бу масала туркман уруғлари ва хоразмликларни бирлаштириб юбориш, уларни ўзаро битта уруғдан пайдо бўлган дейишга, асос бўлмайди, албатта. Бу каби туркман уруғларининг Хоразмда яшаши хонликдаги турли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар билан боғлиқ. Ю. Брегелнинг қайд этишича, туркманлар Хива хонлигида кенг миқёсида XVII асрнинг 20 йилларида Асфандиёрхон (1623-1642) даврида пайдо бўла бошлаган⁸. Шунингдек, туркманларнинг айрим уруғ-қабилалари XIX аср ўрталаридаёқ Хоразм ҳудудида мустаҳкам ўрнашиб олади⁹.

Хива хонлигидаги микротопонимларни ўрганиш хонлик ҳудудидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни ёритишда ўзига хос амалий аҳамият касб этади. Биз микротопонимларни ўрганиш ва уларнинг пайдо бўлиш сабаб оқибатларини чуқурроқ таҳлил қилиш учун уларни қуйидаги 3 гуруҳга: этноойконимлар, этногидронимлар ва этнооронимларга бўлиб ўрганишга қарор қилдик.

Этноойконимлар – сафарномаларда учрайдиган этнос билан боғлиқ қишлоқ, овул, маҳалла ва шунга ўхшаш аҳоли яшаш масканларининг номлари бўлиб, сафарномаларда Хива хонлигидаги бундай турдаги жой номлари етарлича учрайди. Хусусан, Г.И. Данилевский хонлик пойтахти бўлган Хива шахрини ўрганиш жараёнида, унинг атрофидаги 60 та қишлоқ ва уларнинг жойлашуви ҳақида қимматли маълумотлар беради. Шунингдек, ушбу 60 қишлоқдан *Баятъ (Баёт)*, *Бабаҳаджа (Бобоҳўжа)*, *Бишъ-Уйли (Беш уйли)*, *Джуванды (Жуванди)*, *Кенегень (Кенегес)*, *Китай (Хитой)*, *Куруктамды (Қуруқтамди)*, *Найман-Куль (Найманқўл)*, *Наукась (Новка)*, *Нукусъ (Нукус)*, *Пишкеникъ (Бешкиник)*, *Порганъ (Поргас)*, *Саятъ (Саят)*, кабилари этнотопоним эканлигини диққатимизни тортди. Ҳ.Вамбери эса ўзининг сафарномасида нафақат пойтахт Хива, балки бошқа йирик шаҳарлардаги асосий қишлоқларни санаб ўтади. Муаллиф асаридаги санаб ўтган хонликдаги бундай аҳоли масканларининг айримлари этнонимлар асосида шаклланган жой номлари бўлиб, уларнинг сирасига Хива шаҳридаги *Kinik (Қиниқ)*, *Khasion (Ғозиён)*, *Toyasitchti (Туячи)*, *Tashayak (Тошоёқли)*, *Sirtcheli (Сирчели)*, *Pesckenik (Бешқиниқ)*, *Kiat (Қиёт)*; Ҳозарасп шаҳридаги

¹ Gulomov Y.G. Xorazmning sug'orilish tarixi. (History of irrigation in Khorezm). –Tashkent, 1959. – p. 221.

² Vambéry A. Travels in Central Asia. -London, 1864. –P. 302.

³ Gulomov Y.G. Xorazmning sug'orilish tarixi. (History of irrigation in Khorezm). –Tashkent, 1959. – p. 191.

⁴ Ataniyazov S. Etnonimi v turkmenskom yazike.(Ethnonyms in the Turkmen language) –Ashgabat: Ilm, 1994. – p. 69.

⁵ Atajanava A.J. Xorazm etnotoponimlari va ularning lugaviy asoslari. diss. fil. fan. nom.[Ethnotoponyms of Khorezm and their lexical bases. phd. phil. sci. diss.]–Tashkent, 1996. -165 p.

⁶ Jumanioyozova M.T. XIX asr oxiri –XX asr boshlarida Xorazm vohasi aholisining etnik tarkibi va uning moddiy madaniyatga xos ba'zi bir xususiyatlari. [The ethnic composition of the population of the Khorezm oasis in the late XIX - early XX centuries and some features of its material culture. phd. phil. sci. diss.]–Tashkent, 1998. -177 p.

⁷ Ataniyazov S. Etnonimi v turkmenskom yazike.(Ethnonyms in the Turkmen language) –Ashgabat: Ilm, 1994. – p. 70.

⁸ Gulomov Y.G. Xorazmning sug'orilish tarixi. (History of irrigation in Khorezm). –Tashkent, 1959. – p. 235.

⁹ Gulomov Y.G. Xorazmning sug'orilish tarixi. (History of irrigation in Khorezm). –Tashkent, 1959. – p. 235.

Khojalar (Хўжалар), *Ishantepe* (Эшонтепа), *Nogman* (Найман), Янги Урганч шаҳридаги *Kutchilar* (Қутчилар), *Karamaza* (Қарамаза), *Kiptchaklar* (Қипчоқлар), Қўнғирот шаҳридаги *Kiet* (Қиёт), *Nogai* (Нўғай), *Sarsar* (Эрсару); Тошховуз шаҳридаги *Kongrudlar* (Қўнғиротлар), *Bastirmali* (Бостирмали); Гурлан шаҳридаги *Djelair* (Жалоур), *Alchin* (Олчин), *Tashkali* (Тошқаллали), *Kargali* (Қарғали); Хўжайли шаҳридаги *Naumanlar* (Найманлар), *Qamishchali* (Қамишчали); Шаҳобод шаҳридаги *Khodjalar* (Хўжалар); Қиличнӣёзбий шаҳридаги *Bagalan* (Боголон), *Alielibay* (Алиэлибой); Манғит шаҳридаги *Kiatlar* (Қиётлар), *Kenegoz* (Кенагас); Қипчоқ шаҳридаги *Nogai ishon* (Нўғай Эшон), *Kandjirgali* (Қонжигали), *Kanlilar* (Қанглилар); каби этноойконимларни киргизиш мумкин.

Хонликдаги этноойконимлар кўриб турганимиздек, асосан ўзбекларнинг мангит, нукус, кенегас, кангли, хитой, қипчоқ, қиёт, найман каби ўзбек уруғлари асосида шаклланган. Шунингдек, ушбу этноойконимлар орасида қадимдан Хоразмда яшаб келган араб жамоалри ва туркий ўғузларга оид этнонимларни ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, *Бобохўжа*, *Хўжалар*, *Эшонтепа* каби жой номлари араблар давридаги хўжа, сайид, эшонларнинг авлодлари сифатида Ўрта Осиёдаги кўплаб ҳудудларда қайд этилган. Шунингдек, хонликда *Саёт*, *Баёт*, *Қиниқ* каби жой номлари ҳам учрайдики, бундай этнонимлар илк бор М.Қошғарий томонидан санаб ўтилган ўғузларни 22 уруғи таркибида учрайди¹. Айрим этноойконимларнинг сафарномаларда турли шаклларда ёзилиши ҳолатлари ҳам учраб туради. Хусусан, Нукус уруғининг айнаи Нукус шаклидан ташқари *Некис*, *Нокис*, *Нўкис* ҳолатларда келиши ҳам мумкинки, ушбу масала З.Дўсимовнинг фикрича, Шимолий Хоразм этнотопонимлари учун хос бўлиб, бундай шаклда жой номлари ҳудудда кўплаб учрайди².

Этногидронимлар – Хива хонлигидаги халқ ёки уруғ номи билан боғлиқ турли хил гидрографик объектлар, канал, кўл, ариқ, арна кабиларнинг умумий номи бўлиб, бундай жой номлари сафарномаларда кўплаб учрайди. Хусусан, Г.Данилевский сафарномасида йирик канал номларидан *Қорағуз*, *Хўжайли*, *Найман*, *Уйғур*, *Қипчоқ-Қўнғирот*, *Мангит арна*; ва ушбу каналлардан ажралиб чиқадиган ариқлар номидан *Ўзбекёп*, *Қитай*, *Тами*, *Найман*, *Саёт*, *Кенагас*, *Тангриберди Қалмоқ*, *Бешуйли*, *Нукус*, *Уйғурёп* кабиларнинг этногидроним сифатида намоён бўлиши диққатга сазовор³. Ушбу этногидронимларнинг пайдо бўлиши хонликдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг хусусиятлари турли даврларда тадқиқотчиларни қизиқтириб келган. Хусусан, Я.Ғуломовнинг тадқиқотларига кўра, этногидронимлар асосан канал ва ариқларнинг бўйларида жойлашиб олган уруғларнинг номлари билан аталган⁴. Унинг фикрича, *Кенегас канали*, *Мангит арна*, *Қангли канали*, *Қипчоқ канали*, *Уйғур канали*, *Нукус канали*, *Хизр эли* канали каби этногидронимлар айнан шу йўл билан пайдо бўлган. Хоразм этнотопонимлари бўйича махсус тадқиқот олиб борган А.Ж.Атажанованинг қайд этишича, ҳудуддаги XIX асрга оид этногидронимлар 2 хил усулда пайдо бўлган⁵. Унга кўра биринчи усул, этногидронимлар ўша

¹ Бу ҳақида қаранг: Кошғарий Махмуд. Девони луғотит турк. 3 томда. –Т.: ЎзССР фанлар акад. нашр, 1960. Т1. –С. 89-90. Улар *киник*, *қайиғ*, *баюндур*, *ивалар*, *солғур*, *авшар*, *бегтили*, *бўкдўз*, *баёт ёзғир*, *эймур*, *қорасўлук*, *олкабўлук*, *игдарлар*, *уракир*, *тўтирқалар*, *улаюндулуг*, *туғарлар*, *бажсанак*, *жуволдор*, *жапнилар*, *жаруғлук* каби уруғлар.

² 5. Dusimov Z. Shimoliy Xorazm toponimlari. diss. filol. fanlar. nomzod. [Toponyms of North Khorezm. phd. phil. sci. diss.]–Tashkent, 1965. - p. 31.

³ Danilevskiy I. Opisanie Xivinskago xanstva. (Description of the Khiva Khanate) -Sankt-Peterburg, 1851. - p. 85.

⁴ Gulomov Y.G. Xorazmning sug'orilish tarixi. (History of irrigation in Khorezm). –Tashkent, 1959. – p. 235.

⁵ Atajanava A.J. Xorazm etnotoponimlari va ularning lugaviy asoslari. diss. fil. fan. nom.[Ethnotoponyms of Khorezm and their lexical bases. phd. phil. sci. diss.]–Tashkent, 1996. - p. 60.



объект атрофида яшаган халқ ёки қабила номи асосида вужудга келади. Масалан, *Мангитарна, Уйғурён, Найманён, Нуқисён, Хизрели кўли*. Иккинчи усул эса, этногидронимлар бирор миллат номи билан боғлиқ, этнонимлар асосида пайдо бўлади. Буларга мисол сифатида *уйғурён, арабён* кабиларни келтириш мумкин. Бизнинг фикримизча, рус ва хориж сафарномалардаги Хива хонлигига оид этнотопонимлар юқоридагиларга қўшимча равишда, яна бир неча усуллар орқали пайдо бўлиши мумкин. Хусусан, биз этногидронимларни пайдо бўлиш хусусиятларига қараб 4 гуруҳга ажратиб таснифладик.

Биринчи гуруҳ, этногидронимларда, албатта, ўша объект атрофида яшаган халқ ёки қабила номи билан боғлиқ бўлса-да, уларнинг шаклланишидаги нисбий негативлик ва нисбий позитивлик қонуниятларини ҳисобга олиш керак. Бунда энг кўп тарқалган тури нисбий позитивлик қонунияти асосида пайдо бўлган этнотопонимлар бўлиб, биз уни биринчи гуруҳга киргиздик. Унга кўра, бундай қонуният асосида пайдо бўлган этногидронимлар, ўзи жойлашган ҳудуддаги асосий этноним билан боғлиқ бўлади. Масалан, *Кенегас канали, Мангит арна, Қангли канали, Қипчоқ канали, Нукус канали* каби этногидронимлар.

Иккинчи гуруҳга, нисбий негативлик қонунияти асосида пайдо бўладиган этногидронимлар бўлиб, ўзи жойлашган ҳудуддаги асосий этноним номи билан эмас балки, бошқа кам сонли этник бирлик номи билан боғлиқ этногидронимлар. Яъни, бунда этногидроним канал ва ариқ атрофига бирор-бир уруғни мажбуран кўчириб келиб ўша уруғ номини канал ва ариқ номига ўтиши ёки маълум ҳудуднинг асосий аҳолиси нисбатан кичик этник бирликка тегишли этногидронимнинг алоҳидалаши натижасида пайдо бўлади. Мисол, учун сафарномаларда учрайдиган *Найманкўл, Қорағуз, Уйғурён* кабилар ушбу қонуният асосида пайдо бўлган этногидронимларга мисол бўла олади.

Учинчи гуруҳга, миллатлар номлари асосида пайдо бўлган этногидронимлар мансуб бўлиб, буларга мисол сифати, Г.И.Данилевский сафарномасида учрайдиган *Қозоқдарё* этногидроними ва Х.Вамберининг сафарномасида учрайдиган *Ўзбекён* ариғи номини келтириб ўтишимиз мумкин.

Тўртинчи гуруҳ, кишилар ҳаётида юз берган тарихий воқеа-ҳодиса асосида пайдо бўлган этногидронимлар. Мисол сифатида, *Тангриберди Қалмоқ ариғи, Ғозиён ариғи, Қатжарған ариғи* каби гидронимларни келтириб ўтсак бўлади. Хусусан, Я.Ғ.Ғуломовнинг қайд этишича, Мўғуллар истилосига қадар мавжуд бўлган *Мадра* канали Хива шайбонийлари томонидан қайта тикланади. Бу канал номи ўзгариб *Ғозиобод* канали номини олади ва канал ҳақидаги илк маълумот Анушахоннинг ўғли Арангхоннинг ёрлиғида қайд этилади¹. Бизга маълумки, Хивада шайбонийлари сулоласи ҳукмронлигини ўрнатган Элбарсхон Эрон қизилбошларини хонлик ҳудудидан кувиб чиқаргани учун фарзандлари исмига *ғози* сўзини қўшиб айтиш ва ёзишни буюради. Демак, ҳукмдор сулола вакиллари ёки мусулмон ҳақ дини учун курашган тоифа инсонлар шарафига, улар томонидан обод қилинган жой негизида вужудга келган шаҳарлар ва каналларга *Ғозиобод, Ғозиён* каби номлар берилган. Буларга қўшимча равишда, маълум уруғ ёки ундаги муҳим тарихий шахс ташаббуси билан барпо этилган *Тангриберди Қалмоқ ариғи, Қатжарған (Қиёт ёрган) ариқлари* ҳам хонлик тарихида содир бўлган муҳим тарихий жараёнлар билан боғлиқ равишда пайдо бўлган.

Этнооронимлар – этнонимлар билан боғлиқ кичикроқ тоғ, адир, жар, тепалик, дара ва шунга ўхшаш табиий жой номларининг умумий номи бўлиб, бундай этнотопонимлар қолганларидан кўра сафарномаларда сезиларли даражада кам учрайди. Масалан, *Қипчоқ тоғ*,

¹ Gulomov Y.G. Xorazmning sug'orilish tarixi. (History of irrigation in Khorezm). –Tashkent, 1959. – p. 210.



Найманадра, Хизрэли ери кабилар. Шунингдек, айрим этнооронимлар ўзининг хусусиятини йўқотиб, аҳоли яшаш масканларига – этнооойконимга айланиши мумкин. Хусусан, Х.Вамберининг сафарномасида Ҳазорасп шаҳри яқинида *Эшонтепа* номли қишлоқ борлиги қайд этилган¹. Кўришимиз мумкинки, *Эшонтепа* шакли жиҳатдан этноороним бўлсада, вақт ўтиши билан у аҳоли яшаш масканига, яъни этнооойконимга айланиб ўзининг аввалги хусусиятини йўқотган.

Хулоса ва гипотезалар. Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, ҳар қандай жой номи ўша ҳудудда яшовчи халқнинг анъаналари, урф-одатлари, ҳўжалигию ижтимоий-маданий турмуши билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бир қаторда кўплаб жой номларининг келиб чиқиши ўша ҳудудда яшовчи турли этнослар ва уруғларнинг номига ҳам алоқадор бўлиши мумкинки, биз буни юқорида Хива хонлиги мисолида кўриб чиқдик. Ушбу этнотопонимлар тағ замирида маълум бир этносларнинг ижтимоий-маданий турмуши, давлат ҳамда жамиятдаги нуфузи билан боғлиқ сиёсий жараёнлар мавжуд бўлиб, уларни ўрганиш тарихимизни айрим номаълум саҳифаларини очишда муҳим аҳамият касб этади. Сафарномалардаги Хива хонлигига оид этнотопонимларнинг таснифи ва таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келинди.

Энг аввало, Хива хонлигининг аҳолиси таркибини турли этник бирликлар ташкил қилса-да, ўзбек уруғларининг ўзига хос сиёсий нуфузи мавжуд бўлиб, биз буни йирик шаҳарларнинг номи айнан ушбу уруғларнинг номига асос бўлганлиги орқали билиб олишимиз мумкин.

Иккинчидан, ҳар бир этнонимнинг хонликдаги сиёсий нуфузи уларнинг жойлашган жойига боғлиқ бўлиб, нуфузли аҳоли қатлами стратегик жиҳатдан муҳим ҳудудларда яшаса, қолган этник бирликларнинг ҳам сиёсий ва иқтисодий имкониятлари ўзларининг яшаган ҳудудларига боғлиқ бўлганлиги этнотопонимлар таҳлили орқали аниқланди.

Учинчидан, хонликдаги микротопонимлар ва макротопонимларнинг пайдо бўлиш хусусиятлари ўзаро бир-биридан фарқ қилиб, макротопонимларнинг пайдо бўлишида нисбий позитивлик қонунияти, микротопонимларнинг пайдо бўлишида эса нисбий негативлик қонунияти устунлик қилади.

Тўртинчидан, сафарномалардаги маълумотлар ҳар доим ҳам объектив бўлмай, уларнинг ўзаро бир-бири ёки маҳаллий манбалар билан қиёсий таҳлили бу каби манбашуносликка оид тадқиқотларда қўйилган илмий масалага тўғри ечим топишда ўзига хос амалий аҳамият касб этади.



¹ Gulomov Y.G. Xorazmning sug'orilish tarixi. (History of irrigation in Khorezm). –Tashkent, 1959. – p. 348.